



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 15 МАРТ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 52 (12.363)

Баҳоси эркин нарҳда



Наврўзи олам яқин



ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА ГЎЗАЛ БЎЛСИН!

16-17 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади



Ҳашар – қадимий урф-одатларимиздан бири экани ҳаммамизга яхши маълум. У атроф-муҳит тозаланиши таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлибгина қолмай, тинч, осуда ва фаровон турмушимизни таъминлашнинг амалдаги кўринишларидан бири ҳам ҳисобланади.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги «2013 йил март – апрель ойларида Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 16-17 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унда Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳроқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, бегараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, шаҳардаги маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, пойтахтнинг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган аниқ вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳаша-

Халқимизда: «Яхшидан боғ қолади», – деган ажойиб нақл бор. Бу хайрли ва эзгу ишларга ҳар биримиз, оиламиз, фарзандларимиз билан биргаликда бош қўшсак, масканимиз янада обод бўлади.

ри доирасида аҳоли яшаш жойлари, кўп қаватли бинолар ва уйлар атрофи, гузар, хиёбон, зиёратгоҳ, кўча ва йўлакларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш, барча турар жой мавзелари, маҳаллаларда гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар экиш, бўш ҳудудларда боғ-роғлар барпо этиш, оқлаш ва буташ, кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш, жойларда тўпланган чиқиндиларнинг ташкилий равишда олиб чиқилишини таъминлаш ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

Умумхалқ хайрия ҳашарини ҳамда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказиш тадбирларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, шунингдек, шаҳримиздаги барча аҳоли, айниқса, ёшларимиз фаол иштирок этишига ишончимиз комил.

Хайрия ҳашаридан тушган маблағлар мақсадли тадбирларга – «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллалардаги мавжуд спорт майдончаларини жорий таъмирлаш ҳамда уларни керакли спорт анжомлари билан жиҳозлаш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техникавий базасини яхшилаш қабиларга йўналтирилади.

Азиз ҳамшаҳарлар!
Наврўз – она табиатнинг батақорор мўъжизаси. Шу боис бу айёмнинг ҳар бир кунини ганимат билайлик. Мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш вақорий мавсумнинг асосий вазифаларидан бири эканини унутмайлик!

Ободонлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этайлик, шаҳримизни янада гўзал ва обод қилишга ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ўтказилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор янги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар қонунчилик ташаббуси тартибидан бир гуруҳ депутатлар томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиб, муҳокама этдилар. Муҳокама чоғида депутатлар таъкидлашларки, тақлиф этилаётган янгиликлар қонунчилик фаолиятини янада демократлаштиришга, бу жараёнда фракциялар (депутатлар гуруҳлари) иштирокини фаоллаштиришга, уларнинг қонун лойиҳасини кўриб

чиқишнинг барча босқичларида палата томонидан қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш, ўз сиёсий партияларининг дастурий ҳужжатлари ва сайловчиларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаси бўйича ўз нуктаи назарларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилиш имкониятларини оширишга кўмаклашади.

Ҳар томонлама модда-модда муҳокамадан сўнг депутатлар мазкур Қонунни қабул қилдилар. Қонун кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

(Давоми 2-бетда)

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

Тошкентда «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сифат ва миқдорий ўзгаришлар» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз парламенти аъзолари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, БМТД, ЮНИСЕФ каби Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, Франция, АҚШ, Словения, Жанубий Корея, Исроил каби мамлакатлардан хорижий экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади барқарор ривожланаётган иқтисодиётга эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон олий қадрият ҳисобланган, унинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинлиги таъминланиб, салоҳиятини рўйбга чиқариши учун қўлай шарт-шароитлар яратилган очик фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир. Конференцияда ўз тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимиз эришаётган муваффақиятлар Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда эътироф этилган ислохотларнинг «Ўзбек модели»ни ҳаётга татбиқ этишнинг амалдаги натижаси экани таъкидланди.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини изчил амалга ошириш доирасида аҳоли кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланадиган, халқимиз тарихидан қучур ўрин эгаллаган мустақил иш олиб борадиган, барқарор фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий шароитлар яратилган.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов ўз маърузасида Президентимиз Ислам Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида мазкур институтда ушбу ижобий демократик жараёни қучур ўрганиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилганини қайд этди. Мониторинг тадқиқотлари натижалари мамлакатимизни демократик модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамияти муттасил ошаётгани, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг фуқаролик онги ҳамда сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг барқарор ўсаётганидан далолат беради. Бу эса кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартидир.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам «Ташаббус» кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари якунланмоқда. Асака туманида ўтказилган танловда тўқсондан зиёд тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар иштирок этди. Танлов доирасида улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

● Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли ва битирувчи ёшлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 98 корхона, ташкилот ва муассаса 387 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир давомида 156 нафар ёшлар ишга жойлашиш учун йўланма олди.

● Нукусда Наврўз умумхалқ байрамини муносабати билан стол тенниси, бадминтон, шашка бўйича мусобақа ўтказилди. Спорт мусобақаларида умумтаълим мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардан 200 нафар имконияти чекланган болалар иштирок этди.

● Қизилтепелик тадбиркор Меҳридин Ўринов ўзи раҳбарлик қилаётган «Зарафшон тола интекс» масъулияти чекланган жамияти негизда синтетик толадан газлама ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада корхонада 15 га яқин хотин-қизларнинг иш билан бандлиги таъминланди.

● Ромитан туманидаги 6-умумтаълим мактаби 145 турдаги замонавий ўқув-методик қўлланмалар ҳамда зарур жиҳозларга эга бўлди. Бу хайрли иш Халқ таълими вазирлигининг Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги «Мактаб таълимини ривожлантириш» лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасида амалга оширилди.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистон 2014 йилда капитал қўйилмалар ва кенг қўламли ижтимоий дастурларга ажратиладиган харажатларни 29 фоизга оширишни режалаштирмоқда. Шу билан бир вақтда даромади юксак фуқароларга нисбатан махсус солиқ ҳам жорий этилиши мумкин.

● Франциялик олимлар полимердан тайёрланган махсус ускуна ёрдамида ёмғирдан электр энергияси ҳосил қилишди. Олимларнинг фикрича, қалинлиги 25 микрометри ускунага урилган ёмғир томчаси механик тебранишни юзага келтириб, қисқа муддатли электр энергиясини ҳосил қилиш имконини беради. Маълумотларга кўра, ушбу технологиядан унчалик катта қувват талаб қилмайдиган қурилмаларда фойдаланиш мумкин.

● Япониялик Нисао Окава 115 ёшга тўлиши муносабати билан дунёнинг энг қарияларидан бири сифатида «Гиннеснинг рекордлар китоби»га расмий рўйхатга олинди ва «Guinness World Records» компанияси унга махсус сертификат топширди. 1898 йилда туғилган Нисао 1919 йилда турмушга чиққан, уч фарзанди, тўрт набираси ва олти нафар эвараси бор. У Осака шаҳрида яшайди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ШАЙХОҲТОХУР** туманидаги Алоқа касб-ҳунар коллежида

«Асрлардан қолган мерос» шиори остида маънавий-маданий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Камолиддин Бехзод мемориал боғ-музейида «Ватан

мадҳи» номли шахсий кўргазма очилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий матбуот марказида «Ўзбекинвест» компаниясининг 2012 йилги

фаолият якунлари ва «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида белгиланган вазифалар ижроси» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, касба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоғармалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Улар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг институционал тизимасини ташкил этади ва фуқароларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни бажаришда фаол иштирокчи таъминлашга қўмақлашади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, фуқаролик институтларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига риоя қилиш кафолатлари, уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беришга оид тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилган. Бу борада қабул қилинган жами икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари мамлакатимизда фуқаролик жамиятини изчил ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмақлашиш борадаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қароридан кўзда тутилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ушбу ижобий жараёни ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишда фуқаролик институтлари ролини кучайтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва ишбилармонлик фаоллигини оширишга ёрдам бермоқда.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўллаб-қувватлаш қарорини қабул қилингандан сўнг бу жараён янада жадаллашди. Ушбу ҳужжатга биноан мамлакатимиз олий қонунчилик органи ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. 2008-2012 йилларда давлат бюджетидан Жамоат фондидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан турли жабҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун 22,4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакилининг ўринбосари Яко Силверснинг таъкидлашича, «Фуқаролик жамияти ҳар қандай мамлакатни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Фуқаролик институтларига ислохотларни амалга оширишда, жумладан, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда асосий механизмлардан бири сифатида қаралиши жуда муҳим. Халқроқ таърибда шунки кўрсатадики, қучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун шаклланди ҳуқуқий база, давлатнинг фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаши, хусусан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, уларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамжиҳатлиги, қўллаб-қувватлаш қўллаб-қувватлаши самарали фаолият кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ушбу борада йўналишларда муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Шуниси қувонарлики, фуқаролик жамияти соҳасида фалоллик кучаймоқда. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, аҳоли турли қатламларининг ҳокимият органлари билан самарали алоқаларини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, бунда маъзур конференция каби муҳим тадбирларнинг ўтказилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу каби тадбирлар натижасида давлат ва жамият ўртасидаги амалий мулоқот ривожланмоқда».

Конференцияда Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ушбу муҳим соҳада ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бергани, унда давлат ва жамият қўрилишида фуқаролик институтлари иштирокини изчил кенгайтиришга қаратилган қатор дастурий чора-тадбирлар кўзда тутилгани таъкидланди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фуқаролик жамияти институтлари тизимида муҳим ўрин тутди. ННТлар фаолияти мамлакатимизни ривожлантириш шартлари ва халқроқ стандартларга мос қонунчилик базаси билан таъминланган бўлиб, уларни давлат томонидан самарали қўллаб-қувватлаш механизми яратилган. 2007 йилда қабул қилинган ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставада белгиланган фаолиятини амалга ошириш мақсадида зарур ахборотни олиш учун давлат органларига мурожаат қилиш, давлат органларининг қарорларини қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидан ҳимояланган ҳуқуқи мустаҳкамланган. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун жамиятимизда уларнинг мақомини янада мустаҳкамлади.

ННТларнинг янада ривожланишига қўмақлашиш мақсадида 2005 йилда ташкил этилган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда уларнинг сай-ҳаракатларини бирлаштиришда, бу борада ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар ННТлар сонининг кўпайиши ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берди. 1991 йилда мамлакатимизда атиги 95 ННТ фаолият кўрсатган бўлса, бугун улар 6 мингдан ошди. ННТларнинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилаётган грант маблағлари микдори ҳам мунтазам кўпайтирилмоқда. Маълумотларга кўра, 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 444,6 миллион сўм ажратилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 2300,4 миллион сўмни ташкил қилди. Грантлар олган ННТлар сонини ҳам кўпайтди – 2011 йилда 122 тадан 2012 йилда 160 дан ошди. Бунда жойлардаги долзарб масалаларни ҳал этишда иштирок этаётган ҳудудий ННТлар сонини 2,2 бараварга кўпайди. Айни пайтда уч юздан ортиқ ННТ ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этди, кейинчалик эса ушбу дастурга ижроҳил сифатида киритилди. Бундан ташқари, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ақсарият бандлари бевосита ННТлар иштирокида амалга оширилди.

Пировард натижада эса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларини жамоатчилик томонидан муҳокама этиш ҳамда экспертизадан ўтказишда ННТлар фаоллиги ошмоқда.

Ўзбекистонда давлат фуқаролик жамияти ва унинг институтларини, жумладан ННТларни ривожлантиришга катта ёрдам бермоқда, – деди эксперт Хван Сон Чел (Жанубий Корея). – Бизнинг Осиё маданияти ва ривожланиш институтимиз аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тиббий ёрдам кўрсатиш дастурини амалга оширишда ҳамкорлик қилмоқда. Тошкентдаги етакчи клиникалар базасида фаолият юритиб, биргаликда

операциялар, гуманитар акциялар ўтказмоқдамиз. Шу билан бирга, чекка туманлар аҳолисига юқори малакали масlahат ва даволаш ёрдами кўрсатиш учун кўча иҳчам клиника фаолият юритмоқда. Бу фаолият аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам бериш доирасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда кенг ривожланган бу жараён, хусусан, ННТ тармоғи ва маҳалла орқали амалга оширилмоқда. Мамлакатингизда тобора мустаҳкамланиб бораётган фуқаролик жамияти тузилмаси Ўзбекистонда одамларнинг қўллаб-қувватлаш муаммоларини ҳал этишга қўмақлашмоқда. Бу эса ривожланиш жараёнида давлат ва жамиятнинг ўзаро самарали ҳамкорлигига ёрқин мисол бўла олади».

Тадбирнинг хорижлик иштирокчилари Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) юқори даражада ривожланаётгани, мамлакатимизда ОАВ самарадорлиги ва мустақиллигини, ислохотларнинг очик-ошқоралигини таъминлаш, қучли фуқаролик жамиятини шакллантириш бораида кенг қўллаб-қувватлаш зарурлигини алоҳида таъкидлашга эътибор қаратилмоқда. Аҳолида инсон ҳуқуқ ва эркинликларни, қонунларни ҳурмат қилиш, ўзининг конституцион ҳуқуқлари, Ватанимиз тақдирига, мамлакатимиз ҳамда дунёда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлигини англаш туйғусини шакллантириш муҳим вазифалардандир.

Бунга мустақил ОАВни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишда уларнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган тизимли ҳамда босқичма-босқич ишлар ҳам ёрдам бермоқда. Бу борада «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшима солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, ўз таркибидан юздан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва

ҚУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

ривожлантириш жамоат фонди журналистлар, нодавлат ОАВ, жумладан электрон медиа-тузилмалари тизими асосда қўллаб-қувватлашмоқда. 2009-2012 йилларда Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларида иштирок этаётган ОАВлар сонини тўрт баробарга кўпайтди. Бу даврда ОАВни ривожлантириш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган грант маблағлари ҳажми ҳам 25 баравардан ошди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. 1991 йилдан бунён уларнинг сонини 395 дан 1326 тага кўпайди, уларнинг қарийб 60 фоизи нодавлат ОАВ ҳисобланади. Жойлардаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ёритишда, жамоатчилик назоратини амалга оширишда, биринчи навбатда, ҳудудий ОАВнинг роли, шунингдек, уларнинг танқидий материаллари таъсирчанлиги ошди ва ушбу материаллар бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўп партияли тизимнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари, «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни миллийлаштириш тўғрисида», «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун билан белгиланган. «Парламентдаги кўпчилик» ва «Парламентдаги озчилик» тушунчаларига аниқлик киритилган, мамлакатимиз парламенти қўли палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўринини олган сиёсий партия Бош вазир номзодини таъкид этиш, уни эгаллаб турган лавозимдан озод этиш ташаббусини билдириш ҳуқуқларига эга.

Маъзур қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши кўп партияли тизимни мустаҳкамлашга катта таъсир кўрсатди, парламент, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида, мамлакатимиз таррақийти учун аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтириш асосларини яратди. Айни пайтда мамлакатимиз парламентида тўрт сиёсий партия фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Партияларро рақобат даражаси ошди, фракцияларро кураш, фракцияларнинг ўз электроти манфаатларини ҳимоя қилиш, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, жойларда қонунлар ижросини текшириш ишлари кучайди. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан Халқ депутатлари кенгашларидаги партиялар гуруҳларидан депутатлик сўровлари сонини 33,2 фоизга кўпайди. Мансабдор шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, давлат дастурларини амалга ошириш масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш амалиёти фаол қўлланилмоқда.

Ўзбекистондаги қўллаб-қувватлаш фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз ва бу бизга катта ижобий таърибга бермоқда, – дейди «Минтақавий мулоқот» ННТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директорининг ўринбосари Катя Гершак (Словения). – Фуқаролик жамияти – демократик давлат барпо этишнинг муҳим ташкиллий қисмидир. Унинг моҳияти шундаки, одамлар бир-бирига ёрдам беради. Ўзбекистонда бундай ҳамкорликка одамлар фаровонлиги йилда фаолият кўрсатаётган турли жамоат ташкилотлари иштига фуқаролар ҳам жалб этилаётган маҳалла институти ёрқин мисол бўла олади. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўмақлашганда яна бир ижобий таърибдани мисол тарихисидан қайд этишни истардим. Айни пайтда янги қонунларнинг ишлаб чиқилган лойиҳаларининг жамоат томонидан кенг муҳокамаси ташкил этилган».

Ўзбекистонда давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида вазифаларнинг бир қисмини жамоат ташкилотлари, шу жумладан фуқароларнинг маҳалла каби ноб ўзини ўзи бошқариш органига босқичма-босқич ўтказиш муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари илгари маҳаллий ҳокимият органларининг алоҳида ҳуқуқлари доирасига кирган ўттиздан ортиқ вазифани бажармоқда, чунотки, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, жамиятимизда маънавий-ахлоқий қадриятларни қарор топтириш, барқамол ёш авлодни тарбиялаш, аҳоли бандлигини

ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудудларни ободонлаштириш каби қўллаб-қувватлаш масалаларини самарали ҳал этмоқда.

Маҳалла аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказига айланишда. Фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган масlahат марказлари тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилмоқда, ишга жойлаштириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳамда банк кредитларини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга қўмақлашмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси юксак натижалар бераётди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида 2012 йилда 633 мингга янги иш ўринлари яратилди ва бу 2011 йилдагига нисбатан учдан бир баробар кўпдир.

Мамлакатда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислохотлар самарадорлиги кўп жиҳатдан фуқаролар онги, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг нечоғли ривожланганига боғлиқдир. Шу боис мустақилликнинг дастлабки қўнларидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолида инсон ҳуқуқ ва эркинликларни, қонунларни ҳурмат қилиш, ўзининг конституцион ҳуқуқлари, Ватанимиз тақдирига, мамлакатимиз ҳамда дунёда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлигини англаш туйғусини шакллантириш муҳим вазифалардандир.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг муҳим вазифаси сифатида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича узулсиз таълим ва маърифат, аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини оширишга доир ноб, яъни тизим яратилганини қайд этдилар.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» ва «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш ҳақида»ги Фармонлари маъзур соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. 1997 йилда Жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ошириш миллий дастури қабул қилинди. 2008 йилда эса давлатимиз раҳбарининг фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастурига мувофиқ аҳолининг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида ҳам ушбу соҳада изчил ишлар бажарилди. Ўзбекистонда 2011 йилдан бунён Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идораларро кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилмоқда. Унда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида қонунларга риоя этиш устидан жамоатчилик мониторингини амалга ошириш, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантиришга оид янада кенг қўллаб-қувватлаш кўзда тутилади.

Конференцияда аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти демократик жамият асоси ва уни ривожлантириш қаролати экани таъкидланди. Бу жараёнда фуқаролик институтлари ҳам янада фалолроқ жалб этилмоқда. Қонун устуворлиги принципини амалга ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини оширишда уларнинг ўрни ортиб бораётди.

«Бундай ўта муҳим мавзуга бағишланган конференцияда қатнашиш мамлакатимизда бу борада тулган таърибдани янада чуқур ўрганиш имконини беради, – дейди эксперт Иллар Пейсахович (Исроил). – Масалан, «Камолот» каби йилроқ ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши, ёшларнинг етакчилик қўнқималарини ривожлантириш, уларга билим олиш, ишга жойлаштириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳар томонлама ёрдам бериш жуда яхши таърибга бўлиб, уни, жумладан Исроилда ҳам ўргана ва қўллаб қарзийди. Фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича очик мулоқот жараёнига кенг жамоатчилик жалб этилган, хусусан, хорижлик экспертлар иштирокида давра суҳбатлари, конференциялар ўтказилмоқда. Бу борада мамлакатимиздан ибрат ола аризули ҳижатлар кўп. Ўзбекистон Президентининг оқилона ва аниқ мақсада йўналтирилган сиёсати самарасида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ва унинг институтларини барча даражада ривожлантириш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган. Бу жуда тўғри йўл бўлиб, ундан бундан бунён ҳам самарали ҳаракат қилинганлигига ишонаман».

Фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Фуқаролар мурожаатлари сонини кўпаймоқда, уларда кўтарилаётган масалалар давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятидаги маъзур муаммо ва камчиликларни аниқлаш, бартараф этишга ёрдам бермоқда.

Конференция қатнашчиларининг таъкидлашича, буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва унинг институтларини ислох этиш ҳамда демократлаштириш, ривожлантириш жараёни муқарраллик касб этганидан даволат беради. Унинг турли жиҳатлари бўйича Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институт томонидан ҳудудларда 1,3 мингдан ортиқ тадбир, шунингдек, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган икки юзга яқин давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилди. Миллий ва чет эллик шериклар билан ҳамкорликда Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, янги қонунлар лойиҳаларини муҳокама этиш ҳамда улар бўйича тақдирлар ишлаб чиқишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини очиб беришга оид ўн битта халқроқ конференция, давра суҳбати ва семинарлар ўтказилди.

Шу билан бирга, конференциядаги ҳар томонлама муҳокама ва фикрлар алмаштиш давомида аҳоли, жумладан ННТлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари етакчилари ва фаолларнинг ҳуқуқий билим даражаси, сиёсий маданиятини ошириш, давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликини мустаҳкамлаш муҳимлигини тушунириш ишларини янада яхшилаш талаб этилаётгани таъкидланди. Шу муносабат билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтига фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга монелик қилаётган омилларни комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилиш, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш аҳолига оид йиллик миллий маърузалар тайёрлашни амалиётга жорий этиш тавсия этилди.

Конференция яқунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди, улар фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фаолият кўрсатаётган миллий институтлар ишда эътибор олинди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунчилик палатаси бир қатор қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқди, улар орасида иқтисодий соҳага оид ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, «Лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасининг қоидалари бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, ҳисоботлар бериш тизимини ҳамда уни тақдим этиш тартибини бозор иқтисоди талабларига, халқроқ нормалар ва стандартларга мувофиқ тубдан такомиллаштириш ҳисобига тадбиркорлик субъектлари учун мумкин қадар қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Қонун лойиҳасига биноан фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш бекор қилинмоқда. Шунингдек, тақорловчи шакллари бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобига давлат статистик, молиявий, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботлари сонини ҳам қисқартирилмоқда.

Депутатлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида таъйинланган, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун нормаларини такомиллаштириш назарда тутувчи қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар ва муҳокама этидилар. Қайд этилдики, қонун лойиҳаси амалдаги қонун нормаларини кейинги пайтларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришга, аудит тизимини халқроқ стандартлар бўйича ислох қилишга қаратилган. Таклиф этилаётган тузатишлар маъжбурий равишда аудиторлик текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тоифаларини кенгайтиришни, аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқий ҳимояси ва мустақиллигини таъминлашни, аудиторларнинг масъулиятини кучайтиришни, аудиторлик текширувини ўтказишга доир амалдаги чекловларни қайта кўриб чиқишни, республика профессионал жамоат бирлашмаларининг фаолиятини халқроқ ривожланиш тенденцияларига мувофиқ мақбуллаштиришни, аудиторларни таъйинлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш назарда тутди.

Депутатлар, шунингдек, оила институтини янада такомиллаштиришга, воғая етмаган фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, одамлар соғлиғи ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқдилар. Улар орасида «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бор. Ҳужжат болаларни фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг суд тартиб-и белгиланишини назарда тутди. Таклиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олувчилар ҳуқуқларининг суд томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга, фарзандликка олиш сирини сақлашига ва қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олишга қаратилган.

Маълиж жараёнида ёш авлоднинг саломатлигини таъминлаш, эрта никоҳга киришни салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, қонун лойиҳаси билан Оила кодексига, Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга никоҳ ёшини белгиланган тартибда қисқартириш учун асос бўладиган узрли сабаблар рўйхатини аниқлаштиришни, шунингдек, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Парламент қўли палатасининг вакиллари сил касаллигининг олдини олиш ва даволлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Жумладан, қонун лойиҳаси билан сил касаллигининг юқумли шаклига қалинган бем

15 март — Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни



Мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига энг муҳим вазифалардан бири сифатида қаралади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 53-моддасида ҳам «Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқчилигини ва ҳуқуқий ҳижатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди», деган қоида ўз аксини топганлиги ҳам фикримиз далилидир.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТЛАРИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Унда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш кафолатлари мустаҳкамланган, фуқаролар ҳаёти, саломатлиги ёки мулкига зиён етказилган тақдирда, уларни муҳофаза қилиш кафолатлари белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 13 ноябрдаги Фармонида асосан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Ушбу қўмитанинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ҳам Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва 1998 йил 25 декабрдаги «Реклама тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги «Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни қўриб қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан кенг қўламли фаолият олиб боришмоқда. Бунда истеъмолчилар манфаатларининг устувор эканлигига асосий аҳамият қаратилади.

Албатта бошқарма томонидан истеъмолчиларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида 2012 йилда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган

йили ҳудудий бошқармага истеъмолчилардан 665 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлса, шулардан 540таси истеъмолчилар фойдасига ижобий ҳал этилиб, 2012 йилда истеъмолчиларга жами 141 595,8 сўм миқдорда зарар ундирилди ва қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди. Аризаларнинг тахлилига тўхталадиган бўлса, уларнинг 456таси (68,6 фоиз) коммунал хизмат, 82таси (12,3 фоиз) савдо ва умумий овқатлаш, 59таси (8,9 фоиз) хизмат кўрсатиш ва 68 таси (10,2 фоиз) бошқа масалаларга тааллуқлидир. Яъни, коммунал соҳага оид 456та аризадан 121таси иссиқлик энергияси ва иссиқ сув хизмати бўйича, 83 таси хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатлари томонидан кўрсатилган хизматлар, 33 таси электр энергия хизмати, 17 таси ичимлик суви масалалари бўйича ва 186 таси аҳолига табиий газ етказиб бериш хизмати, 9 таси маиший чикинди ташвиш хизмати, 7таси бошқа коммунал хизматлар бўйича келиб тушган.

Шунингдек, 2011 йилда бошқарманинг «Ишонч телефони»га келиб тушган мурожаатлар сони 514 тани ташкил этган бўлса, 2012 йилда улар 721 тага етди ва 2011 йилга нисбатан 28,7 фоизга ошган.

Мурожаатларнинг 386таси қўриб чиқилди ҳамда истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди, 335та мурожаатлар юзасидан истеъмолчиларга тегишли тушунтириш берилди.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида ҳам жами 91та фуқаролардан юқоридаги ҳолатлар бўйича ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг ечилиши топиб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини тиклаш бўйича саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу йўналишда — истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва улар-

га ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан ҳудудий бошқармага юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда 2013 йилга мўлжалланган иш режалари белгилаб олинди. Унга қўра Тошкент шаҳрида фаолият қўриётган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар талабалари учун ўқув машғулоти, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш орқали истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини етказиш ва ёшларга истеъмолчи сифатида рационал ҳаёт тарзини тарғиб этиш, шаҳримизнинг маҳаллалари ва кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида коммунал хизматлари бўйича юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўрганиш ишларини олиб бориш каби фаолият йўналишлари белгилаб олинди. Бундан ташқари, аҳолига савдо, умумий овқатлаш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» тўғрисидаги Қонуннинг 6, 11 ва 27-моддалари талабларига риоя этилишини, яъни махсулотларда яроқлилик муддати, тайёрланган санаси ҳамда ишлаб чиқарган корхона ҳақидаги маълумотлар мавжудлиги юзасидан кузатув ва ўрганиш ишларини амалга ошириш мақсадида ҳуқуқий муҳофаза этувчи давлат органлари билан ҳамкорликда ишларни олиб бориш ва фуқароларимизнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя этиш асосий мақсад қилиб белгиланган. Энг муҳими, бугунги кунда мамлакатимизда истеъмолчи сифатида ҳар бир фуқаро ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имконига эга ва бу йўналишдаги ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тобора такомиллашиб бормоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ОЙЛИГИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан март-апрель ойлари «Экологик маданият ва қадриятлар ойлиги» деб эълон қилинди. Умумхалқ ҳашарига ёшларни кенг жалб қилиш, юртимиз ободлиги йўлида қилинаётган жайли ишларда ёшларнинг муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ойлик доирасида ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур тадбирларда кўнгилли ёшлардан иборат ҳашарчи гуруҳлар уйлар атрофидаги ҳудудлар, кўчалар, бозорлар, хибонлар ва истироҳат боғларида ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишларини олиб боришмоқда. Ҳашар доирасида барча турар жой мавзелири ва маҳаллаларда гул қўчатлари, мева ва манзарали дарахтлар шакл берилиб, кўча ҳамда йўллар тартибга келтирилмоқда.

Бугунги кунга қадар ўтказилган тадбирларда 55 минг нафар ёшлар фаол қатнашиб, улар томонидан маҳаллалар ободонлаштирилди, 150 мингдан ортиқ манзарали дарахтлар, 20 мингга яқин мева, 90 мингдан ортиқ гул қўчатлари экилд. Ҳаракат фаоллари томонидан кекса ва ногиронлар, ёлғиз қарилар, боқувчисини йўқотган кам таъминланган оила-ларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга қўмаклашилди.

Ҳаракат тизимлари томонидан «Экологик маданият ва қадриятлар ойлиги» доирасида ўтказилган «Ҳар бир ёшга бир ниҳол» акцияси доирасида жойлардаги таълим муассасалари, маҳалла гузарлари ҳамда кўча ва хибонларда

кўчат экиш тадбирлари ташкил этилди. Биргина «Қамолот» ЁИХнинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан жорий йилнинг 2-3 март кунлари ўтказилган акция давомида 1 270 дона манзарали ва мева-ли дарахт қўчатлари экилд.

Ойлик доирасида «Қамолот — Эко» лойиҳаси тадбири ўтказилмоқда. Лойиҳадан қўзланган мақсад ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садокат руҳида тарбиялаш, юртимиздаги тарихий қадимжоларни, зиёратгоҳ ва қабристонларни обод қилиш, ёшларда муқаддас қадимжоларни қадрлаш, аждодларнинг маънавий, моддий меросини асраб-авайлаш каби туйғуларни кучайтириш, уларда экологик маданиятни шакллантиришдан иборат.

«Қамолот — Эко» лойиҳасининг эътиборга молик жиҳати шундаки, у нафақат алоҳида саналарда, балки йил давомида ўтказилади ва бу билан ҳар бир ёш ўзи истиқомат қилаётган маҳалла, зиёратгоҳлар атрофини доимий ободонлаштириб бориш ишларига ўз ҳиссасини қўшади.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,
«Туркистон-пресс»

Бир қараганда бу саволнинг ўзи қайратлиб. Лекин статистика маълумотлари бўйича фақатгина 20 фоиз беморлар шифокорларнинг тавсиясини бажаришади, 60 фоиз беморлар эса шифокор хонасидан чиқиб билан дориларни қандай тарзда ичишни умуман эсдан чиқаришади. Яна 20 фоиз беморлар дориларни қандай равишда ичиш кераклигини умуман фарқсиз деб ҳисоблашади, «ичсак бўлди-да» деб қўйишади.

Мутахассис маслаҳати

ДОРИЛАРНИ ТЎҒРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Шундан ҳулоса чиқиб келадик, бу дориларнинг таъсири умуман нотўғри бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир киши дориларни истеъмол қилишда бир неча зарур қоидаларни билиши шарт. Фақат шу нарсаларга аҳамият бергандагина дорилардан керакли шифони олиш мумкин.

Ҳеч қачон шифокор берган тавсияларга бефарқ бўлмаган. Агарда терапевт битта дори ёзиб берса, окулист бошқа, эндокринолог эса учинчи дорини тавсия этса албатта терапевт қабулига қайтиб, ундан маслаҳат олиш шарт. Терапевт дориларнинг бир-бирига мос келишини таҳлил қилиб, уларнинг ноқўя таъсирларини ўрганиб чиқиб, беморга аниқ тавсия беради.

Дориларни истеъмол қилиш муддати ўтгандан сўнг уларни ичиш жуда ҳам хавфли, чунки уларнинг кимёвий тўзилиши бузилиб кетади.

Дорини сотиб олишдан олдин эътибор билан кўрсатмада берилган хусусиятларини ўқиб чиқиш шарт, бу дорини қўлланилиши, кўрсатмалар, мойиллиги, ноқўя таъсирлари, қайси бир касалликларда қўлланилиши ман этилишига катта аҳамият қаратиш керак.

Кўрсатма — анонотацияларни ташлаб юборманг.

Ҳар хил номдаги дориларнинг таъсир қилувчи моддаси бир хил бўлиши мумкин. Бу тўғрисида маълумот дори кўрсатмаси ва қўтисининг устида ёзилган бўлади. Агарда сиз иккита бир хил моддали дори истеъмол қилсангиз унда бу дорининг дозаси хавфли даражада ошиб кетиши мумкин. Масалан, қўқ оммабон дорилар дорихонадан рецептсиз олинди (фервекс, колдрекс ва бошқалар). Бу дориларнинг ичиди парацетамол бор. Агарда парацетамол дозаси қўпайтириб юборилса, жиярининг шикастланиш хавфи туғилади.

Дориларнинг ноқўя таъсирининг олдини олиш учун уларни битта биттадан, ўртасида озгина вақт ўтказиб ичиш лозим.

Ҳеч қайси дорини кофе ёки чой билан бирга истеъмол қилиш мумкин эмас, чунки кофе ва чойда дориларни нейтраллаштирадиган моддалар бор, аксинча кофе ва чойни тинчлантирувчи ёки ухлатадиган дорилардан заҳарланганда антидот сифатида ишлатиш мумкин. Шунинг учун қўқ ҳолатларда дорини нима билан ичиш муҳим аҳамиятга эга.

Аспирин ошқозон-ичак шиллиқ қааватларини яллиғлантириши мумкин. Шу боис уни фақат овқатдан кейин ичиш жоиз.

Антибиотикларни қабул қилиш овқатга боғлиқ эмас. Антибиотик қабул қилинганда, ичак флорасини тиклаш учун беморнинг рациониди албатта сутқатик махсулотларининг бўлиши ва уларни истеъмол қилиш керак. Антибиотикларни сутга нисбатан сув билан ичан яхши.

Хона ҳароратидаги қайнатилган сув дори ичиш учун энг яхши суяқлик ҳисобланади.

Сульфаниламидларни Боржоми каби ишқорий минерал сувлар билан ичиш тавсия қилинади. Зеро, сульфаниламидларнинг буйрак фаолиятини ишдан чиқариш эҳтимоли бор.

Дори истеъмол қилган пайтда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш қатъиян тақиқланади. Бу сизнинг соғлигингиз ва ҳаётингиз учун жуда хавфли.

Агарда сиз дорини ичиш вақтини 1-2 соатга кечиктирган бўлсангиз, унда истеъмол қилсангиз бўлади. Агар бу вақт 2 соатдан кўп бўлса, унда дори қабулини кейинги қабул вақтигача ўтказиб юбориш керак. Чунки бу дозани қўпайтириш ҳолатига олиб келади. дорининг ноқўя таъсирини кучайтиради.

Агар сиз бета-блокатор (конкор, небилет, эгилор) дорисини ёки гормонал дориларни (преднизолон) маълум вақтдан буюн ичиб келадиган бўлсангиз, шуни эсда тутишингиз лозимки, уларнинг қабулини кескин равишда тўхтатиш мумкин эмас. Шифокор билан маслаҳатлашиб, қабул қиладиган дозани хар 3-4 кунда қорак дозадан камайитириш ичиш лозим. Акс ҳолда бунақа бефарқлик «дорини бекор қилиш синдроми»ни чакириб, соғлигингиз кескин ёмонлашиши мумкин. Агарда қондаги қанд миқдорини пасайтирадиган дори қабул қилсангиз (масалан, амалин, инсулин, манилин ва ҳ) дори қабулидан сўнг овқат истеъмол қилиш ни эсдан чиқарманг ҳамда қондаги қанд миқдорини ўлчаб туришини ҳам унутманг.

Варфарин ёки бошқа антикоагулянт дориларни истеъмол қилганда хар 5-6 кунда қондаги МНО кўрсаткичини текшириб туриш лозим.

Дорилар қабул қиладиган қабул соатлари ёзилган тавсияномангизни қўри-

надиган жойда, масалан, ошхонада совутич устига ёки шкаф, телевизор устига осиб қўйсангиз, дори вақтини ўтказмай турасиз. Бу сиз учун жуда қўлай бўлади.

Тез ёрдам воситалари сўзсиз, вақтдан қатъи назар қабул қилинади: агар ҳарорат кўтарилса ёки юрак оғриб қолса, юрак тез уриб кетса, нафасингиз сиқиб қолса, ичаклар бурлиб санчик оғриқлар бошланса, шошилиш ёрдам ҳолларида соатга қарамасдан дори қабул қилинади.

Лекин доимий равишда ичиладиган дориларни соатга қараб шифокор тавсиясига қўра истеъмол қилиш шарт. Шифокорлар тавсияси бўйича қон су-юлтирувчи дориларни кечкурун ётишдан олдин қабул қилиш керак, ошқозон ярасига қарши дориларни, сийдик ҳайдовчи дориларни эса эртаб-оқ-атдан олдин ичиш лозим.

Дори истеъмол қилган пайтда маълум пархезга риоя қилиш зарур. Фестал, мезим-форте ва бошқа ферментатив овқат ҳазм қиладиган дориларни овқат билан бирга ичиш лозим. Аспирин дорисини аччиқ таомлар ва цитруслар билан истеъмол қилиш мумкин эмас. Агар сиз бу қоидага риоя қилмасангиз ошқозон яраси билан хасталаниш мумкин.

Тетрациклин гуруҳидаги воситаларни сут-қатик махсулотлари билан истеъмол қилиш мумкин эмас. Тетрациклиндан 1 соат ёки 2 соат олдин ва кейин сут ичиш мумкин эмас. Ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларини фақат овқатдан кейин сут билан истеъмол қилиш мумкин. А, Д ва Е витаминлар сут билан истеъмол қилганда яхши ҳазм бўлади.

Таркибида темир моддаси бўлган дориларни эса сут билан ичиш тақиқланади. Нафақат дори, балки таркибида темир моддаси бўлган махсулотларни ҳам (жигар, ёнғок) сут билан бирга истеъмол қилиш мумкин эмас.

Шарбатлар билан бирга дори истеъмол қилишда жуда эҳтиёт бўлиш керак (аспирин, салицилатлар, варфарин, антибиотиклар, контрацептивлар ва ҳ). Буларнинг бирга ишлатилиши ошқозондан қон кетиши асоратига олиб келиши мумкин.

Дори воситаларини ёруғликдан ҳимояланган қуруқ жойда 15° С дан 25° С гача ҳароратда сақлаш лозим. Тўғри қўш нурлар дориларнинг кимёвий моддасини парчалайди. Дори воситаларини сақлаш ҳарорати ва шароитини ўқиб чиқиб, тавсия бўйича сақлаш керак.

Барно КАРИМОВА,
Республика Иттиҳослашган кардиология маркази 3-кардиология бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди

Пойтахтимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига баёнланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

ЮКСАК ТИББИЙ МАДАНИЯТ — САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экспертлар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Файзиёва ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни қамолга етказиш, тиббий хизмат қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда аҳолига, хусусан, оналар ва болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизimini шаклланган. Юртимиздаги уч миңдан зиёд қўшқок врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, скрининг ва перинатал марказларда бу йўналишда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Нихоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастури умумий миллий ҳаракатга айланган. Бундай кенг қўламли ишлар натижасида оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Аёлларда учрайдиган экстрагенитал касалликларни камайитириш, болалар ўртасида ногиронлиқнинг олдини олиш ва соғлом фарзандларни туғилишига эришилмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт тизимида қўлга киритилаётган ва халқро миксда тан олинаётган бундай муҳим ютуқларни халқимизга етказишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан журналистларнинг бу борадаги билимининг, материалларнинг сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш мақсадида махсус лойиҳа амалга оширилмоқда.

БМТнинг Болалар жағмармаси — ЮНИСЕФ билан ҳамкорликдаги мазкур лойиҳа доирасида жорий йилда соҳа олимлари ва мутахассислар иштирокида ўнга яқин семинар-тренинг, давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда турт юз нафардан зиёд журналист иштирок этди.

Семинар-тренингда соғлом авлодни шакллантириш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, эрта никоҳларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда журналистлар эътибор қаратиш лозим бўлган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

ДУҚ «СУВС03»

Энергоресурсларнинг нархи ошганлиги сабабли, 2013 йил 1 апрелдан Тошкент шаҳар аҳолиси учун ичимлик суви ва оқава сувлари таърифларининг қайта қиритилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1м³ учун 116 сўм 00 тийин, ҚҚС сиз.

Оқава сув бўйича — 1м³ учун 70 сўм 00 тийин, ҚҚС сиз.

ДУҚ «СУВС03»

«ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ» ШУЪБА КОРХОНАСИ

Энергоресурсларнинг нархи ошганлигини инобатга олиб, 2013 йил 1 апрелдан тижорат ва саноат корхоналари учун таърифларининг қайта қиритилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1м³ учун 232 сўм, ҚҚС сиз.

Оқава сув бўйича — 1м³ учун 132 сўм, ҚҚС сиз.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза 2-мавзеси, 25-уй, 12-хонадонда яшовчи Абдуҳақова Мушаррафхон қўриқловига тегишли уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Яксарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 36-уй, 2-хонадонда яшовчи Хожиева Нигора Раҳимовнага тегишли бўлган уй кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидаги темир йўл касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 йил 20 июнда Тажидинов Сиражиддин Мамаджонич номига берилган К2228877 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ


Тошкент шаҳри, Ҳамза туманиданги 255-сонли ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Раҳимджонов Нигора Атамавона номига берилган А424506 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Шайхонтоҳур тумани 9-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Ботир Қурбанович Назаровга онаси

Диплом ая АЛЛАМУРАТОВАНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Тошкент шаҳрида 16 март

кунда ҳаво ўзгаришлари, бир оз

ёғири ёқиши мумкин. Ҳарорат

сезунда 5-10 метр тезликда

шамол эсади. Ҳарорат кечаси

5-7 даража илқ, кундузи —

14-16 даража иссиқ бўлади.

Ўзидрометнинг мо-
ниторинг хизмати ма-
ълумотига кўра, 16 мар-
тда Тошкент шаҳри об-
ҳаво шароити шаҳар
ҳаво муҳитида зарари
қилиши мумкин. Агарда
кетиши мумкин яратди.
Атмосферанинг ифлосланиш
даражаси 1-3 фазл пай-
тахми қилишда, таъкид-
дори паст бўлади.

